

Ҳоким ёрдамчисидан ҲОКИМликкача

Республика бўйича энг яхши натижа кўрсатган 565 нафар ҳоким ёрдамчиси юқори лавозимларга тайинланган. 3-с.

Қалбан ошно бўлмасангиз, қандай кўмак кўрсатасиз...

Одамларда болалар нафақасини кимлар олиши мумкинлиги ҳақида тушунча етарли эмас. 7-с.

Уй-жой ва коммунал соҳадаги эътирозларга сабаб нима?



Соҳадаги энг катта муаммо лойиҳа ташкилотларининг объект қийматини "шиширишга" ҳаракат қилишидир. 4-с.

Маҳалла

№13 | 2024 йил 24 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСII, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

5 йўналиш, 100 мақсадда қандай вазифалар бор?

“Хар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури жорий этилади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 21 февралда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонни имзолади. Фармон билан 2024 йилга мўлжалланган йўналишлар кесимидаги амалий тадбирлар режаси, 2024 йилда йўналишлар кесимида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Амалий тадбирлар режаси 5 та йўналиш ва жами 100 та мақсаддан иборат.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”ДА РАИСНИНГ ВАКОЛАТИ ОШАДИ

Фармонга кўра, маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги таянч бўлини айлантириш мақсадида “Ташаббусли бюджет” доирасидаги лойиҳаларни ташаббускорлар, маҳалла раиси ва фаолларнинг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейингина фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилади.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан маълумотлар олиш, маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини талаб қилиш ҳамда жамоатчилик мониторингини амалга ошириш имконияти яратилди.

“Хар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” дастури жорий этилади. Бунда маҳаллаларда ёшлар етакчилари “еттилик” вакиллари иштирокида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшларни аниқлаб, уларни инглиз ва бошқа хорижий тилларга ўқитиш ҳамда сертификат олишини ташкил этиш чораларини кўради. Кейинчалик улар IT соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтирилади.

Давоми 2-саҳифада.

Сабр-бардоши тугаган келин, масъулиятсиз куёв

мақомдагилар учун бугун психолог кўмаги зарур

Айни вақтда маҳалла хотин-қизлар фаолини ўйлантираётган масала — оилавий ажралишларнинг олдини олиш ва ўзаро келиш-мовчиликларни бартараф этишда психологлар кўмагига эҳтиёж катта. Бу мутахассислар билан тизимли равишда ҳамкорлик олиб борилса, ҳеч кимни эшитишни истамётган қайнона, сабр-бардоши тугаган келин, масъулиятсиз куёв мақомдагилар билан ишлаш янада энгил кечарди.

8-саҳифада.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Маҳалла ҳақида сўз кетганда, энг аввало, кўз олдимизга жамоавий бирдамлик, умумий мақсадлар йўлидаги ҳамжиҳатлик келади.

Маҳалла моҳиятан ўзлигига қайтти

Рақамлаштириш, энг аввало, маҳалладан бошланиш керак


ДАВЛАТ ТИЗИМДАГИ ШАФФОФЛИКНИ КўРИБ ТУРАДИ,
“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҚУТИЛАДИ,
ОДАМЛАР ЁРДАМ ВА ХИЗМАТЛАРНИ МАҲАЛЛАДАН ЧИҚМАЙ ОЛАДИ

Ҳозир “маҳалла еттилиги” планшет ва компьютер билан тўлиқ таъминланган.

Президент раислигида 2023 йил 20 декабрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддиларга 1 мартга қадар “Рақамли маҳалла” ягона платформасини ишга тушириш ва “маҳалла еттилиги”ни рақамли тизимлардан фойдаланишга ўқитиш вазифаси топширилди. Давлат раҳбари: “Рақамлаштириш, энг аввало, маҳалладан бошланиш керак”, дея алоҳида таъкидлаганди.

Уш, маҳаллани рақамлаштириш нега керак? Бунга қандай зарурат туғилмоқда? Келинг, аввал шу ҳақда икки оғиз фикрлашайлик.

Маҳалла ходимларини фаолиятига оид бўлмаган мажлисларга чақириш, турли хил ҳисоботу жадвалларни тўлдиришга мажбурлаш тақиқланган бўлса-да, афсуски, бу каби ҳолатлар ҳануз учраб турибди. Бунга қўшимча



Қоғозбозликка чек қўйилмас ёки у кескин камайтирилмас экан, маҳаллани аҳолига яқинлаштиришнинг иложи бўлмайди.

ТАҲЛИЛ

равишда маҳаллада нечта ҳайвон борлиги, томорқаларда ким нима эккани, қанча дарахт ўтқазилгани ҳақида йил давомида бир неча марта суратли ҳисобот, хар хил сўровномалар ўтказиб, бланкалар тўндириш ва сурати билан юқори туровчи ташкилотларга юбориш каби кўплаб вазифалар маҳалла ходимларининг асосий вақтини олмақда. Оқибатда фуқаролар билан ишлашга вақт ва имконият қолмапти.

Ҳозир “маҳалла еттилиги” планшет ва компьютер билан тўлиқ таъминланган. Бирок маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли рақамли технологиялардан қанчалик фойдаланаётгани савол остида. Масалан, ёшлар етакчисига субсидия олиш учун мурожаат қилган фуқаро халигача маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ёки бандлик бўлимидан ишсизлик тўғрисида маълумотнома олиб келишга мажбур.

Давоми 2-саҳифада.



Қозоғистонда ўқувчиларга дарс вақтида ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ тақиқланди.



Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ИЖАРА ХУҚУҚИ эътироф этилиши мумкин.



Ўзбекистон Марказий Осиёда Википедиядаги МАҚОЛАЛАР СОНИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ўринни эгаллади.

ТАЖРИБА



Дастурлар тадбиркорни, тадбиркор ишсизларни қўллаяпти

332 та хонадонда узумчилик даромад манбаига айланди.

Бандликни таъминлаш фаолиятимизда асосий йўналиш сифатида белгиланган. Маҳаллада 580 та хонадон бўлиб, 2 703 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хатловда 200 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Хозирда уларнинг 182 нафари ишли бўлди. 29 нафар ёшлар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган бўлса, 21 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш, 52 нафари кредит олиш ва 21 нафари доимий ишлаш хоҳиши борлигини маълум қилди.

Маҳалла соҳибкорларининг таъкидлашича, узум парваришларнинг ўзига хос синуоти мавжуд. Эрта баҳорда новдаларни чилпиш, ширага, чанг ва шурлашга қарши қайта ишлов бериш лозим. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш, меъёрида суғориш, яхши ривожланмаётган фўраларни ўз вақтида узиш талаб қилинади. Ана шунда воишдан мўлжалдаги ҳосил олиш мумкин.

Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар, тадбиркорликка ўқитиш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида мономарказ ташкил қилинган. “Хунарманда” уюшмаси аъзоси, яққа тартибдаги тадбиркорлар – Феруза Азмидиново миллий қуғирчоқ ясаш ва либослар тикиш ҳамда Гулноза Очилова миллий ва замонавий либослар тикиш бўйича ўқиш ташкил этган. Бу ерда 19 нафар “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турувчи хотин-қиз касб-хунар ўрганди. 4 нафарига ўз ишини бошлаши учун субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. 7 нафари тикувчилик йўналишида “Очил бобо истиқболи” оилавий корхонасига ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 14 нафар тадбиркор янгидан иш бошлади. 158 на-

фар фуқаро иш билан таъминланди. 9 нафар тадбиркорнинг фаолияти қайта тикланди. 4 та хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантиришда 2 та сартарош-хона, 2 та гилам ювиш, 6 та автомобилларга хизмат кўрсатиш, 2 та тикувчилик ва 1 та дорихона ташкил қилинди. “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали ишчи” дастури доирасида «Bektosh mas’uliyati cheklangan jamiyati» корхонасида 51 та иш ўрни яратилиб, ижтимоий реестрда бўлган 20 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 52 нафар фуқарога 1 283 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, бугунги кунга қадар маҳаллада 37 та кичик ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Мисол учун Кўкча кўчасида яшовчи Исмоил Бердиев хунармандчилик йўналишида 33 млн. сўм кредит ҳисобига фаолиятини бошлаш баробарида 4 та янги иш ўрни яратди. Мақсуда Қаҳҳорова, Саҳифа Хушвақтова 45 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехи ташкил қилди. Хозирда улар 8 нафар хотин-қиз бандлигини таъминлаган. Дилрабо Азимова 33 млн. кредит эвазига уй шароитида тикувчилик билан шуғулланмоқда. Таклифим – ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш бўйича янада кўп имконият яратиш керак.

Обиджон ХОЛОВ,
Хатирчи туманидаги “Чечак ота” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

БЎЛАР ЭКАН-КУ!
ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИДАН ҲОКИМликкача

ХАЙРУЛЛО АБДУРАҲМОНОВ.

“MAHALLA” МУХБИРИ



2022 йил 4 август кунни Президент ўтказган давлат хизматини йўналишидаги мажлисда бундан буён раҳбарлик лавозимларига номзодлар маҳаллада одамлар билан ишлаган, уларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган кадрлар орасидан танлаб олиниши ҳақида таъкидлаган эди.

Бугун ана шу кўрсатма асосида, Салоҳиятли кадрлар резервидаги номзодларни масъул лавозимларга тайинлаш жараёни бошланди. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги маълумотиغا кўра, шу кунга қадар Наманган туманидаги «Олаҳамак» маҳалласида ҳоким ёрдамчиси лавозимида фаолият юритган Муҳаммад Хайдаров Учқўрғон тумани ҳокими, Бағдод тумани «Хўжақишлоқ» маҳалласида ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётган Ғанижон Солиев Бағдод тумани ҳокими, Мўйноқ тумани «Мадели» овул фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Б.Менлибеков Мўйноқ тумани ҳокими, Нурафшон шаҳридаги “Чигирчиқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Одижон Атауллаев Янгийўл тумани ҳокими, Навоий шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Валижон Адизов Карман тумани ҳокими вазифасига тайинланди.

Марказда йил давомида жами 2 880 нафар ишсиз фуқаро 25 та йўналишда 3 ойлик курсда касбга қайта ўқитилмоқда. Бу ерда 17 та 24,5 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Экспорт географияси Европа давлатларига ҳам етиб



Хозиргача умумий ҳисобда республика бўйича энг яхши натижа кўрсатган 565 нафар ҳоким ёрдамчиси юқори лавозимларга тайинланган. Жумладан, 5 нафар туман ҳокими лавозимида иш бошлаган ҳоким ёрдамчидан ташқари, 25 нафари ҳоким ўринбосари, 30 нафари вилоят бошқарма бошлиғи,

— Бежизга маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозимига ўрта бўлин давлат хизматчилари тайинланмапти, — дейди айни пайт Учқўрғон туман ҳокими вазифасига тайинланган Муҳаммад Хайдаров. — Чунки уйма-уй юриб, ҳар бир хонадоннинг ҳолатини ўз кўзимиз билан кўриб, иқтисодий аҳоли бўйича таҳлил қилиш имкониятига, натижада ҳақиқий эҳтиёжман ва боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, айниқса ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш ҳамда имтиёزلарни тўғри ва шаффоф етказилишини йўлга қўйиш бўйича катта тажрибага эга бўлди. Бу туманни бошқаришда жуда керакли ва зарур омиш. Мен ҳоким ёрдамчиси сифатида аввал ижтимоий – иқтисодий ҳолатга ташхис қўйиш учун 700 та хонадонни хатловдан ўтказиб, портфелини яратиб олдим.

Бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида собиқ Олаҳамак иқтисодиёт касб-хунар коллежи 13,3 млрд. сўм маблағ ҳисобига қайта таъмирланиб, Наманган касб-хунарга ўқитиш марказига айлантирилди. Хунармандларга ишсизларни, айниқса ёшларни “Уста-шоғирд” тизими бўйича миллий ва бадий хунармандчилик касбига ўқитиш харажатларини базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кўп бўлмаган миқдорда қўллаб берилади. Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи харажатларини грант ажратиш орқали молиялаштирилади. Бунда касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-хунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларчилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг раҳбарлари, ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишга танлов асосида грант маблағи ажратилади.

БИЛАСИЗМИ?

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАНДАЙ МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР БОР?

Ҳоким ёрдамчиси иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали ишсизлар бандлигига кўмаклашишда қўйидаги молиявий дастаклардан фойдаланади.

ган шахсларни ишга қабул қилган ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баравари миқдоридан субсидия ажратилади. Банд бўлмаган, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаро-

лар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган

харажатларни грант ажратиш орқали молиялаштирилади. Бунда касб-хунарга ўқитиш марказлари,

гражатларини қўллаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси аъзоларига қўла гилам ва ипак мато тўқиш ускуналари харид қилишга сарфланадиган харажатларни қўллаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача субсидия ажратилади. Шунингдек, “Коракўлчилик” уюшмаси аъзоларига қўла меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қўллаш учун ҳам шу миқдорда ҳамда Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар меҳнат органида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қўллаш учун 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоиз, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган тарзда субсидия бериш қўзда тутилган.

Ишга қабул қилган ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баравари миқдоридан субсидия ажратилади.



Жамоат ишларини ташкил этган иш берувчиларга (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ҳар бир ходимнинг иш ҳақи тўлови Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан (бюджет 100 фоиз, нодавлат ташкилотлар 50 фоиз) молиялаштириб берилади. Меҳнат органлари йўлланмаси билан ишга қабул қилинган ходимни касбга ўргатиш ва малакасини ошириш харажатлари учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда, банд қилинган (квота) иш ўрнидан ортиқ миқдорда ижтимоий Ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаёт-



Ўзбекистон элчиси
Кувайт ташқи
ишлар вазирига
ИШОНЧ ЁРЛИҒИ
нусхасини топширди.



Yandex Go
йўловчиларга нақд
пулдаги тўлови учун
ЭЛЕКТРОН ЧЕК
беришни бошлади.



Йил якунига қадар
20 МИНГ НАФАР
ногиронлиги бор
шахслар иш билан
таъминланади.

ЯНГИЛИК



Тадбиркорлик соҳасидаги айрим бюрократик тартиблар бекор қилинмоқда

Адлия вазирилик томонидан ишлаб чиқилган тадбиркорлик соҳасидаги айрим бюрократик тартиб-таомилларни бекор қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Қонунини (ЎРҚ-910-сон, 20.02.2024 й.) қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан қуйидагилар бекор қилинди:
– тадбиркорлик субъектлари томонидан устас фондиди (устас капиталини) камай-тириш тўғрисида қарор қабул қилинганида оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида эълон бериш ҳамда 30 кунлик муддатда кредиторларни ёзма равишда хабардор қилишга оид мажбуриятлар;

– тадбиркорлар солиқ идораларининг сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити натижаларидан норози бўлган тақдирда, солиқ идоралари устидан тўғридан тўғри судга шикоят қилишдаги чекловлар.
Бугунги кунга қадар тадбиркорлар сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити натижаларидан норози бўлган тақдирда, уларнинг шикоятлари дастлаб юқори турувчи солиқ органи томонидан кўриб чиқиши, шундан кейингина судга шикоят қилишлари белгиланган эди.

Қонун билан ўрнатилган янги тартибларга кўра эндиликда, тадбиркорлар солиқ текширувлари натижаларидан норози бўлган тақдирда энди ўз ихтиёрига кўра солиқ органи устидан бевосита судга ёки юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиши мумкин бўлади.

СИЗ УЧУН МУҲИМ

ҚҚС тўловчиси сифатида қандай рўйхатдан ўтиш мумкин?



Даврон ҲОШИМОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Қандай қилиб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш ва гувоҳнома олиш мумкин?

Бунинг учун my3.soliq.uz сайтидаги шахсий кабинетга кирилади ва хизматлар рўйхатдан “Юридик шахсларни ҚҚС тўловчилари сифатида рўйхатга қўйиш” бўлими танланади. Навбатдаги ойнада тадбиркор қўшилган қиймат солиғини тўлашга мажбурий ёки ихтиёрий тартибда ўтаётганини ҳамда ўтиш санасини белгилаши лозим.

Шу билан бирга, мазкур солиқни тўлашга ўтиш учун асос кўрсатилади. Шундан сўнг маълумотларни тасдиқлаш ҳамда телефон рақамини киритиш лозим. Сўнгра тадбиркор фаолият юритаётган объектнинг кадастр ҳужжати ёки ижара шартномаси бириктирилиб, юбориш тугмаси орқали ариза юборилади.

Ихтиёрий тартибда ҚҚСга ўтиш бўйича ариза тақдим этилган заҳоти автоматлаштирилган тизим юқори хавф мезони бўйича солиқ тўловчи фаолиятини тахлил қилади, улардан ҳеч бўлмаганда биттаси аниқланса ҳам ариза рад этилади. Унинг шахсий кабинетига аниқланган камчилик ҳамда уни бартараф этиш йўллари тўғрисида хабарнома юборилади.

Тизим томонидан камчилик аниқланмаганда ариза солиқ органлари томонидан 7 кун ичида кўриб чиқилади. **Мажбурий равишда ҚҚС тўловчиси бўлган тадбиркорлик субъектларига эса** ариза юборилган заҳоти ҚҚС гувоҳномаси берилади. Гувоҳнома берилгандан сўнг, ушбу тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади. Мониторинг давомида харид қилинаётган ва сотилаётган товарларнинг бир-бирига мос келмаслик ҳолатлари аниқланса, бу қўшилган қиймат солиғи гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ



Амалдаги меҳнат қонунчилигини билмасдан кунлик иш ҳақини нақд пул кўринишида олиб юрган 9 нафар фуқаронинг фаолиятини легаллаштиришга эришдик.

Айрим кўрсаткич режалар 15 кунда уддаланяшти

Нажмиддин БОЗОРОВ,
Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий ҳамда Фуркат номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Солиқ органлари фаолиятида “маҳаллабай” ишлаш тизими қарор топаётгани ўз самарасини бермоқда. Бу борада далиллар етарли. Мисол учун, менга бириктирилган Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий ва Фуркат номидаги маҳаллаларда жорий йилнинг февраль ойи учун белгиланган айрим кўрсаткич режаларини 15 кунда уддалашга эришдик.

Хусусан, ҳудуддаги бизнес вакилларига “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида тўғри йўналишлар кўрсатилган ҳолда уларнинг товар айланмаси 15 кунда 2 млрд. 400 миллион сўмга оширилди. Худди шундай, сув солиғи бўйича февраль ойидаги тахлил кўрсаткичи (290 млн.) ҳам 15 кунда 363 миллион сўм қилиб таъминланди.

Бундан ташқари, норасмий ишлайдиган ёлланма ишчиларнинг меҳнат муносабатларини тўлиқ расмийлаштириш масаласига эътибор қаратиб, амалдаги меҳнат қонунчилигини билмасдан кунлик иш ҳақини нақд пул кўринишида олиб юрган 9 нафар фуқаронинг фаолиятини легаллаштиришга эришдик. Эътиборлики, ушбу ҳолат менин февраль ойи учун белгиланган берилган кўрсаткич режа ижросининг 76,6 фоизга кўтарилишига асос бўлди.

Рақамлар билан айтсам, менга бириктирилган ҳар икки маҳаллада 352 тадан ортиқ тадбиркорлик субъекти, 2 212 та мол-мулк, 1 362 та ер солиғи ҳамда 289 та декларация солиқ тўловчилари бор. Шунингдек, 512 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган.

Фуқароларга расмий даромадининг пенсияга чиқишида муҳимлиги, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмалик, ҳисоботларини ўз вақтида топшириш юзасидан солиқ қонунчилиги бўйича кунлик тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Энг муҳими, юзма-юз мулоқотлар ва “маҳаллабай” ишлаш тизими ўз самарасини кўрсатаяпти.



“Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида тўғри йўналишлар кўрсатилган ҳолда уларнинг товар айланмаси 15 кунда 2 млрд. 400 миллион сўмга оширилди.

БУНЁДКОРЛИК

“Янги ҳаёт” қизгин ҳаёт оғушида



Ҳақимжон ФОЗИЛОВ,
Жиззах вилояти солиқ бошқармаси
Жамоатчилик билан алоқалар
шўбаси бошлиғи.

Маҳаллаларнинг обод, тоза ва яшил ҳудудга айланаётганидан биринчи галда у ерда яшаётган одамлар мамнун. Чунки маҳаллаларга ободлик билан маданият ҳам кириб келади. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бир вақтлар кечалари зимистон бўлган кўчаларга ёриткичлар ўрнатиляпти, пиёдалар учун йўлаклар қуриляпти.

Шароф Рашидов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда йиллар давомида муаммо ва ечимсиз масалалар йиғилиб бораверди. Маҳалла ҳудудида битта мактабни ҳисобга олмаганда бошқа давлат идоралари, муассасалари йўқ. Балки шунинг учун ушбу маҳалла эътибордан четда қолгандир. Лекин 2024 йилда ободонлаштириш шабадалари “Янги ҳаёт”га ҳам кириб келди. Маҳалладаги 10 та кўчадан учтасига асфальт ётқизилди, иккитаси шағаллаштирилди. Кўчаларга ҳашар йўли билан ёриткичлар ўрнатилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур маҳалла Жиззах вилояти солиқ бошқармаси ҳамда Шароф Рашидов тумани солиқ инспекцияси масъул бўлган 4-сектор ҳудудида жойлашган.

“Янги ҳаёт” маҳалласига борганимизда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида бажарилаётган вазифалар натижаси, қилинадиган ишлар режалари муҳокама қилинадиган штабда иш қизгин эди. Барча фаоллар фуқаролар йиғини биноси қурилишида экан. Айтмоқчи, “Янги ҳаёт” ўз идорасига эга бўлмаган маҳаллалардан бири ҳисобланарди.

Ёмғир ёғиб ўтганига қарамай, бу ерда ҳашар ишлари ташкиллаштирилибди. Кимдир дарахтларга шакл бермоқда, аёллар эса йўллارни супуриб, тозалamoқда. Қурилишда ишлар қизгин, усталар бинонинг пойдеворини кўтаришмоқда. Уларга оқсоқоллар бош, ёшлар ёнбош бўлиб, анча хайрли ишларни бажариб қўйибди.

– Туман ҳокимининг ёрдами билан ишни бошлаб юбордик. Маҳалламиз усталари ҳам қараб туришгани йўқ, насиб қилса биз ҳам ўз идорамизга эга бўламиз, – дейди маҳалла раиси Содиқ Курбанов.

Дарҳақиқат, маҳалла ёнидан “Жиззах – Мирзачўл” автомобиль йўли ёқасига экилган дарахтларга бежирим шакл берилган, боғбон қўли текканлиги сезилиб турибди, танасининг паст қисми оқлаб қўйилибди. Кўчалар ҳам тоза, ҳар бир хонадон соҳиби ўз ховлиси атрофини тозаланишга масъул. 2023 йилда маҳалла ҳудудига “Яшил макон” умумий лойиҳаси доирасида 3 100 туپ дарахт кўчатлари ўтқазилиб, парвариси бўйича масъуллар белгиланди.

Маҳаллада ёлғиз қариялар, ёши улуг инсонлар, боқувчисини йўқотган оилалар бор. Ховли ва хонадонларни таъмирлаш бошланганида уларнинг ховлилари ҳашар асосида тозаланди. Уйлари таъмирланиб, ховлиси гул ва кўкатлар экишга тайёрлаб қўйилди.



Шароф Рашидов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йиллар давомида муаммо ва ечимсиз масалалар йиғилиб бораверди.

Айни пайтда маҳаллада 1000 метр масофага ичимлик сув қувурлари ётқизилмоқда. Бешта кўчани асфальт қилиш режаси белгиланган. 1,6 км. табиий газ тармоғи тортилибди. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Томорқадан самарали фойдаланиш ҳисобига, ўзини ўзи банд қилиш, кичик бизнес субъектлари очиш ҳам мумкин.

Маҳаллада 651 та хонадон бор, уларнинг 95 фоизи чорвачилик билан шуғулланади. Лекин одамлар ховлисига иссиқхона қуриб, кўшимча даромад олишни ўрганмоқда. Ҳоким ёрдамчиси Миржаҳон Хурсанов уларга зарур ёрдамларни кўрсатаяпти.

Маҳалла оқсоқолларидан бири Бахтиёр Маманов ховлисида 1,5 сотих ерга иссиқхона қуриб, қўкат етиштирмоқда. Унинг турмуш ўртоғи Гулнора опа бош бўлиб, келинлари ва набиралари билан экинларни парвартириш ишларида қўлга олади. Кўкатлар узишга тайёр бўлиши билан боғ-боғ қилиб, Пахтакор шаҳар бозорига етказиб беришмоқда.


Шойимардон ака Қаршибоев ҳақиқий деҳқон, ховлисидаги иссиқхонага доим бодринг экади. Баҳор бошланиши билан далага чиқиб кетади. Ёзда ғаллани ўриб олиши билан, ерни оралиқ экинлар учун тайёрлайди.

– Тўқинлик, қўт-бараканиннг отаси меҳнат бўлади, – дейди Шойимардон ака. – Даладан олаётган ғалламиз ёрдамчи хўжалигимиздаги чорвага озуқа, кейинги экинлар ҳосилини кузда бозорга чиқарамиз. Насиб қилса йўл ёқасидан дўкон қуришни кўзлаб турибман. Янги узилган бодринг, сабзавотларнинг харидори кўп бўлади.

Одамлар йилдан-йилга фаровон ҳаёт кечиришга интилмоқда. Энг асосийси, уларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳам шу тариқа ўз номига яраша янгиланиб бораверди.



Дам олиш кунлари республиканинг Кўпчилик ҳудудларида вақти-вақти билан, асосан, қор ёғади.



1 июнга қадар навбатда турган 500 НАФАР ЕТИМ БОЛА уй-жой билан таъминланади.



Ўзбекистонда январ ойида қарий 6,7 ТРЛН. СЎМЛИК қурилиш ишлари бажарилган.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ



МУЛОҚОТ

КОСОНЛИК 194 НАФАР ЁШ ГЕРМАНИЯГА КЕТМОҚЧИ

Қашқадарё вилояти ИИБ Ахборот хизмати.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ташқи меҳнат миграциясининг ўрни катта. Айни пайтда биргина Германия давлати 50 мингга иш ўрини таклиф этяпти. Косон туманида бўлиб ўтган вилоят 3-сектор раҳбарининг уюшмаган ёшлар билан учрашувида бу ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда тумanning 202 нафар ёшлари шу имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди, уларнинг 194 нафари Германияда ишлаш, 6 нафари таълим олиш мақсадини кўзлаган. Маълумотларга қараганда, Германияда икки хил усулдан фойдаланиб, ишлаш ва ўқиш имконияти бор. Яъни улардан бири немис тилини ўрганиб, тўғридан-тўғри хоризга чиқиш бўлса, иккинчиси аусбильдунг тизимидан фойдаланиб, ҳам ўқиш, ҳам ишлаш учун 3 йиллик шартнома асосида Германияга жўнаб кетиш. Ҳар иккала ҳолатда ҳам немис тили бўйича B1-B2 сертификатлари талаб этилади.

Этиборлиси, тил ўрганиш учун катта харажат қилиш, мутахассис қидириш шарт эмас. Тил курслари маҳаллаларнинг ўзида, тажрибали педагогларни жалб қилган ҳолда бепул ташкил этилади. Учрашувида бу ҳақида батафсил маълумот берилди. Бу эса ёшларнинг дилидаги гап бўлди.

Тумanning "Нартибаланд" маҳалласидан Зарнигор Шўҳратова анчадан бери немис тилини ўрганиб, Германияда ишлаш истаги билан яшаётган эди. У биринчи қадамни қандай қўйишни билмаётган бир пайтда бу учрашув унга катта шижоат берди. Зарнигор шу ернинг ўзида маҳалласида ташкил этилган немис тили курсига ёзилди. Ёшларнинг кўпчилигини ушбу давлатда айни пайтда қайси мутахассисликларга талаб юқори, деган савол қизиқтирди. Мутасаддилар томонидан ҳамширалик, ҳайдовчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хизмати йўналишларида иш ўринлари кўп экани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, Буюк Британия, Туркия, Латвия, Польша, Корея, Россия каби давлатларда ҳам ишлаш имкониятлари ҳақида тадбирда тўхталиб ўтилди.



Тил ўрганиш учун катта харажат қилиш, мутахассис қидириш шарт эмас. Тил курслари маҳаллаларнинг ўзида, тажрибали педагогларни жалб қилган ҳолда бепул ташкил этилади.

ЎҚУВЧИЛАР ДАВОМАТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

ҚИЛГАН ИШИДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ЎҚУВЧИ БУНДАЙ ИШЛАРНИ ҚАЙТА ҚИЛМАСЛИККА ВАЪДА БЕРДИ.

Йўлдош МУҚУМОВ,
Шеробод туманидаги "Каттабўғ" маҳалласи профилактика инспектори.

"Каттабўғ" маҳалласи туман марказидан 6-7 километр олида жойлашган. Беш ярим минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда "Ёшлар маркази", турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, битта мактаб, 4 та, шундан икkitаси хусусий боғча ва қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Йўлдош муқумов ахил-иноқ. Шу боис жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камдан-кам кузатилади. Бироқ фуқаролар осойишталиги диққат эътиборимизда. Ўтган йили икkitа ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилган. Бири спиртли ичимлик сабаб эр-хотин жанжали, яна бири қўшни маҳалла фуқароларининг қишлоқ врачлик пунктида ўзаро келишмовчилиги оқибатида содир бўлган. Ҳар икkitа ҳолат ўз вақтида бартараф этилган. Ичкилик сабаб жанжал кўтарган эр ўз айбига иқдор бўлган, оиласи билан яраштирилди. Ҳозирда улар ахил яшамоқда.

Икkitа мингга яқин вояга етмаганлар билан доимий мулоқотдаимиз. Ҳар кун 8-умумтаълим мактабида ўқувчилар давомати назорат қилиб борилмоқда. Мунтазам дарс қолдирувчи ўқувчилар йўқ. Шу вақтгача бирор ота-онага "Огоҳлантириш хати" юборилмади. Лекин яқинда бир вояга етмаган ўқувчи ўғрилиққа қўл ургани аниқланди.

Гап шундаки, ўқувчи эрталаб ҳамма ишга кетганида қўшнисининг уйига деразасидан кириб, 25 минг сўм ўғирлайди. Суриштирувларимиз натижасида ушбу ўқувчи аниқланди. Унинг дарсга кеч келгани ҳам бунга сабаб бўлди. Қилган ишидан пушаймон бўлган ўқувчи бундай ишларни қайта қилмасликка ваъда берди. Ота-онасига маъмурий жавобгарлик қўлланилди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яқин бўлган маҳалла ёшларидан иборат "Фидокор ёшлар патруль" гуруҳи ташкил этилган. Улар тунги вақтда 3-4 киши бўлиб, навбатчилик қилишади. 100 соатлик навбатчиликни ўтаб бўлган, уларга армия сафида ҳарбий хизмат ўташи учун тавсиянома берилди.

Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида кўча бошилари билан фаол иш олиб борилляпти. Мактаб, қишлоқ врачлик пункти, савдо дўконлари ва чорраҳага кузатув камералари қўйилган. Ҳозирда мавжуд кузатув камераларни профилактика инспектори хонасига интеграция қилиш ҳаракатидаимиз.



Шеробод туманидаги "Каттабўғ" маҳалласи профилактика катта инспектори, майор Йўлдош Муқумов "Намунали маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичида 1-ўринни эгаллади.

Бунинг учун қўшимча Wi-Fi ёки махсус кабеллар керак бўлмоқда. Мақсадимиз, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида ҳудудда хавфсиз муҳитни яратиш ҳамда аҳолининг тинч ва осойишталигини таъминлашдир.

ҲУШЁРЛИК

Бухорода қадимий танга сақлаб қолинди

Танганинг олд томонида танга зарб қилинган сана ҳамда "Маҳмудхон бин Абдулҳамид Музаффарнинг ғалабаси шарафли бўлсин" ёзуви туширилган.

2024 йил 15 февраль куни Бухоро халқаро аэропортидан Истанбул шаҳрига учиб кетаётган Ўзбекистон фуқароси қадимий тангани мамлакат ҳудудидан олиб чиқишга уринган.

Дастлабки маълумотларга кўра, йўловчининг қўл юкларини боғхона ходимлари холислар иштирокида текширганида "40 пора" қийматдаги қизил металлдан зарб қилинган танга борлиги

аниқланиб, ушлаб қолинган. Бухоро вилояти Маданий мерос бошқармаси бадий экспертиза бўлими ходимлари тангани бадий экспертизадан ўтказди. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, "40 пора" қийматдаги қизил мисдан зарб қилинган танга Усманийлар сулоласи султони Султон Абдулмажид I ҳукмронлиги даврига тегишли танга бўлиб, 1839 йилда Константинополда зарб қилинган.

Танганинг олд томонида танга зарб қилинган сана ҳамда "Маҳмудхон бин Абдулҳамид Музаффарнинг ғалабаси шарафли бўлсин" ёзуви туширилган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги "Маданий бойлиқларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги низомига кўра, тангани Бухоро давлат-музейи кўриқхонасига топшириш тавсия этилди.



"40 пора" қийматдаги қизил мисдан зарб қилинган танга Усманийлар сулоласи султони Султон Абдулмажид I ҳукмронлиги даврига тегишли танга бўлиб, 1839 йилда Константинополда зарб қилинган.



Металлни қайта ишлашда БРИТАНИЯ КОМПАНИЯСИ билан ҳамкорлик қилинади.



Тошкентда USAIDнинг "Барча болалар муваффақлиги" лойиҳаси фаолиятини бошлади.



AJet" авиакомпаниясига "АНҚАРА – ТОШКЕНТ – АНҚАРА" йўналишида мунтазам авиакатнов учун рухсат берилди.

НУҚТАИ НАЗАР

Ногиронлар жамият ривожига ҳисса қўшадиган шахс

деган тушунчани шакллантириш ижтимоий ҳимоянинг устувор вазифаси бўлмоғи керак

Авваллари жамиятимизда имконияти чекланган кишиларга давлат идоралари, давлат хизматчиларининг муносабати яхши эмас эди. Охириги олти-етти йилда уларга эътибор мутлақо ўзгарди.

Бир пайтлар имконияти чекланган кишилар, деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронларга бўлган тор, бир ёклама муносабатини ифодалаб келган бўлса, бу-гун қонунчилик ўзгариб, "ногиронлиги бўлган шахслар", деган тушунча юзага келди. Шу асосда давлат ва жамият ногиронларга имконияти чекланганлар, деб эмас, балки шахс, деб муносабатда бўлишга ўтди. Бу, ўз навбатида, унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбга чиқши учун имконият яратилаётганидан далолат беради.

Президент раислигида 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу



Нодир ТИЛАВОДДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

масалага алоҳида эътибор қаратилиб, "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилни ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий давлат тамойилининг таркибий қисми ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахс-

ларнинг эркин ҳаракатланиши, уларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши учун қанчалик имкониятлар яратиб берилмоқда? Улар учун тўқсиз муҳит яратиб буйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати қай даражада?

Албатта, ўтган қисқа даврда ушбу соҳада салмоқли ишлар бажарилди ва катта натижаларга эришилаётганини кўриб турибмиз. Лекин пойтахтимиздаги мактаб, боғча, шифохона, йўл, чорраҳаларнинг 85 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши учун мослашмагани бу борада зарур чоралар кўриши тақозо этади. Чунки 2,5 мингта автобус бекатининг 2,3 мингтаси, 1 минг 944 та автобусдан 920 таси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжига мос эмас.

Бу вазиятни ўзгартириш учун пойтахтимиздаги барча бекатларни, жамоат транспорти, жумладан, метрони ноги-

ронлиги бор шахслар учун мослаштириш бўйича икки йиллик дастур тасдиқлаш, бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси — ногиронлиги бўлганлар учун қўлай муҳит яратилгани бўйича мажбурий экспертизадан ўтказишни амалиётга киритиш тақлиф этилди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ногиронлиги бор шахсларни жамиятга интеграция қилишнинг энг самарали йўли — уларга таълим бериш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш саналади. Айнан шу мақсадда иш бевуричлар шу жумладан, тадбиркорларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатини ўзгартириш керак.

Корхона учун қўшимча муаммо яратадиган эмас, балки унинг ривожига ҳисса қўша оладиган шахс деган тушунча жамиятада шаклланиши лозим. Гарчи ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олган корхона

2,5 мингта автобус бекатининг 2,3 мингтаси, 1 минг 944 та автобусдан 920 таси ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжига мос эмас.

ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар яратилган бўлса-да, 500 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотнинг бор-йўғи 43 мингтасида, аниқроғи 8 фоизда ногиронлиги бўлган шахслар ишлаши юқоридаги фикрнинг исботи, деб баҳолаш мумкин. Йиғилишда давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ҳар биримизни янада фаолроқ бўлишга, ушбу соҳа ривожини учун самарали меҳнат қилишга ундайди.

ЭЪТИБОР

Қалбан ошно бўлмасангиз, қандай кўмак кўрсатасиз...



Одамларда болалар нафақасини кимлар олиши мумкинли ҳақида тушунча етарли эмас.

Ойжамол ҲАМИДОВА, Андижон шаҳридаги "Ўзгариш" ва "Хунарманд" маҳаллалари ижтимоий ходими.

"Қанийди, аввалгидек соғлом бўлсам, йигирма йиллик кадрдон мактабимда семилми ўқувчиларимга тўлиб-тошиб дарс берадим. Қариндош-уруғ, кўни-қўшнилар ҳолидан тез-тез хабар олардим. Ховли супуриб, ширин таомлар пиширдим..."

Бахтсиз ҳодиса сабаб бир ярим йилдан буён дераза қаршисига миҳланиб қолган бу аёлнинг қалбидан ҳар куни шундай кечинмалар ўтарди. Ишга, ўқишга шошиб кетаётганларга ҳавас билан боқаркан, қачондир улар қаторига қўшилармиканман, деган саволига жавоб қидирарди. Хонадонларга кириб, олиб борилган ўрганишлар натижасида "Хунарманд" маҳалласида истиқомат қиладиган бу аёлнинг ҳолатидан хабар топдик. Анча суҳбатлашдик, кечинмаларини тингладик.

Шу кунгача моддий жиҳатдан бироз қийналиб тургани ҳамда ёрдам сўраб кимга мурожаат қилишни билмагани учун тушунликка тушиб қолибди. Эркин ҳаракатланиши учун аравача беришимизни айтганимизда, қувончдан кўзларига ёш келди. Энди хурсанд, бемалол кўчага чиқиб айланиб келяпти. Энг муҳими, ижтимоийлашди, жамиятнинг фаоли аъзосига айланди. Атрофдагиларга кераклигини ҳис қиляпти. Бу — ижтимоий ҳимоя тизимининг энг катта ютуғи.

Биринчи галдаги вазифамиз — аҳоли билан ширин муомалада бўлиш ва ишончини қозонишдан иборат. Уларнинг муаммосини тинглаб, ҳис қилиб, бир муддат қалбан ўша шароитда яшаб кўрмасдан ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз. Аҳолининг кўпчилиги ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайди.



Имтиёزلарни санаб берганимизда, кўзларидан қандайдир умид пайдо бўляпти. Баъзан бир оилага тўлиқ ёрдам кўрсатиш учун 5-6 марталаб боришга тўғри келади. Шу таразда 15 та оиланинг муаммоли масалаларини тўлиқ ҳал этишга эришдик.

...Уч йилдан бери турмуш ўртоғининг тазийк ва зўравонликларига чидаб келаётган бир аёл шу вақтгача ҳеч кимга дардини айтмаган. Унинг кунора эридан калтак ёйиши ҳақида қўшниси маҳалла идорасига хабар берди. Холатни ўрганиш жараёнида оиланинг ҳар бир аъзоси билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик. Энг аввал тўрт фарзанднинг тўнғичини 13 ёшли қиз билан гаплашдик. Отасининг муттасил спиртли ичимлик ичиши, онасига кўрсатилётган зуғум унга қаттиқ таъсир кўрсатган. Хатто, мактабга боргиси келмай қолган. Синфдошларининг камситишидан безор бўлган. Бошқа жойда ўқигиси келаётганини айтганда, онаси қаршилик қилди. Қизини узоққа юборгиси келмади. Қолган уч нафар фарзанд гарчи ёш бўлса-да, оиласидаги нотинчликдан безовта эди. Яқинларининг

Бекорчи, бирор фойдали иш қилмаётганларни, янги касб ҳамда хунар ўрганишга жалб қилиш керак. Майли, қосиблик қилсин ёки пишириқлар пишириб вақтини самарали ишларга сарфласин.

меҳрига ташналиги шундоққина сезилиб турарди. Аёлнинг кечинмаларини тасвирлаш мушкул. Унинг жисмоний ва руҳий жараҳатларини даволаш мақсадида тўрт нафар фарзанди билан реабилитация марказига ётқиздик. Психологлар кўмағида барчаси руҳан тинчлантирилди. Болаларни қизиқишдан келиб чиқиб турли машғулотлар ўтиди.

Бу оила билан ишлаш жараёни ҳали давом этмоқда. Эркани профилактика инспектори назоратга олган. Шу кунгача мавсумий ишлаб юргани боис доимий бандлигини таъминлашга ёрдам бермоқчимиз. Аёл тикув фабрикасидаги фаолиятини давом эттиряпти. "Аёллар дафтари"га киритиб, субсидия асосида тикув машинаси бермоқчимиз. Қолаверса, болалар нафақаси олиши учун ягона ижтимоий реестрга рўйхатга қўйилди.

Ижтимоий ходим нафақат эҳтиёжманд фуқароларга кўмак беради, балки аҳолини боқимандлик кайфиятидан чиқариш, нотўғри тайинланган нафақа пулларини ўрганиш билан шуғулланади. Одамларда болалар нафақасини кимлар олиши мумкинлиги ҳақида тушунча етарли эмас. Бу ҳақда суҳбатлар жараёнида тўлиқ маълумот берилгач, худуддаги 8 та оила ўзига тўқ бўлгани учун бу пулни олишни ўз ихтиёри билан рад этди.

БИЛАСИСМИ?

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?

● Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасасида давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

● Ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

● I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади.

● Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари раъмларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

● Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

● I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

● Тегишли тиббий хулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

● Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

● I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкда бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади.

● Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

● Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

● Ногиронлиги бўлган ёшларга БХМнинг 50 бараваригача (17 млн. сўмгача) субсидия ажратилади.

● I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.

● Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмайдиган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

● Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭМнинг 3 баравари (3 млн. 150 минг сўм) миқдордаги маблағлари даромад солиғига тортилмайди.

МАЪЛУМОТ УЧУН

75 623 НАФАР ФУҚАРОГА НОГИРОНЛИК БЕЛГИЛАНДИ

2024 йил январ ҳолатига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахсларга куйидаги ёрдамлар кўрсатилди.

8 851 минг нафар меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг 414 нафарини бандлигини таъминланди ҳамда 1 057 нафари касбга тайёрлашга йўналтирилди.

3 346 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларга 2,4 млрд сўмлик протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун сертификат расмийлаштирилди.

1 251 нафар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълимга жалб этиш учун психологик-тиббий-педагогик комиссия текширувидан ўтказишга аризалар қабул қилинди ҳамда уларнинг 1 051 нафари таълимга жалб қилинди.

75 623 нафар фуқарога ногиронлиқни белгиланди ва 2 370 нафар шахсларнинг ногиронлик гуруҳи ўзгартирилди.



